



ЖОМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ АСАРЛАРИДА “КОМИЛ ИНСОН” ТУШУНЧАСИНИНГ ШАРҲИ

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич

фалсафа фанлари доктори (DSc),

Тошкент давлат шарқшунослик университети

“Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси” кафедраси доценти

Аннотация: *“Комил Инсон” ғояси ўнлаб фалсафий-ирфоний назариялардан таркиб топган Тасаввуф диний-фалсафий таълимотида мустақил фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий назарияни ташкил этади.*

Аслида «Комил Инсон» тушунчасини «ал-Инсон ал-Комил» тарзида Ирфон фалсафасига олиб кирган ва уни Ислоом фалсафий тафаккури тарихида алоҳида фалсафий истилоҳ сифатида қўллаган киши Шайх ул-акбар Муҳйиддин Ибн ал-Арабий (1165-1240) дир. Аммо ушбу назариянинг илмий-назарий асослари Шайх Азизиддин Насафий (1240, Насаф – 1300, Абркўх) нинг “Инсони Комил” ва “Зубдат ул-ҳақойиқ” номли асарларида яратилди.

Ушбу мақолада “Комил Инсон” тушунчаси Мавлоно Абдурахмон Жомий (1414-1492) нинг фалсафий-ирфоний қарашлари тизмида қисқача тарзда тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: *Инсони Комил (Комил Инсон), Инсон, Тасаввуф, Ирфон, Жомий, Ибн ал-Арабий, Азизиддин Насафий, фалсафий-ирфоний, яралиш.*

ТОЛКОВАНИЕ ПОНЯТИЯ «СОВЕРШЕННЫЙ ЧЕЛОВЕК» В ФИЛОСОФСКИХ ТРУДАХ ДЖАМИ

Холмуминов Джафар Муҳаммадиевич,

доктор философских наук (DSc),

доцент кафедры «Источниковедения и герменевтики суфизма»

Ташкентского государственного университета востоковедения

Аннотация: *Идея «Совершенного человека» представляет собой самостоятельную философскую, социальную и нравственную теорию в религиозно-философской учении суфизма, состоящую из десятков философских и мистических теорий.*

По сути, именно Шейх уль-Акбар Мухиддин Ибн аль-Араби (1165-1240) ввел понятие «совершенный человек» в философию Ирфан как «аль-Инсон аль-Камиль» и использовал его как отдельный философский термин в история исламской философской мысли. Однако научно-теоретические основы этой





теории были созданы в трудах шейха Азизиддина Насафи (1240, Насаф – 1300, Абркух) «Инсонни Камиль» и «Зубдат уль-хакайик».

В данной статье кратко исследуется понятие «Совершенный человек» в системе философско-философских воззрений Мавляны Абдурахмана Джамии (1414-1492).

Ключевые слова: Совершенный человек, человек, суфизм, Ирфан, Джамии, Ибн аль-Араби, Азизиддин Насафи, философско-мистическое, творение.

INTERPRETATION OF THE CONCEPT "PERFECT MAN" IN JAMI'S PHILOSOPHICAL WORKS

Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich,

Doctor of Philosophical sciences (DSc),

Tashkent State University of Oriental Studies,

associate professor of chair "Source studies and Hermeneutics of Sufism"

Abstract: *The idea of the "Perfect Man" is an independent philosophical, social and moral theory in the teachings of Sufism, consisting of dozens of philosophical and mystical theories.*

In fact, it was Sheikh ul-Akbar Muhyiddin Ibn al-Arabi (1165-1240) who introduced the concept of "perfect man" into Irfan philosophy as "al-Inson al-Kamil" and used it as a separate philosophical term in the history of Islamic philosophical thought. However, the scientific and theoretical foundations of this theory were created in the works of Sheikh Aziziddin Nasafi (1240, Nasaf - 1300, Abrkuh) "Insoni Kamil" and "Zubdat ul-hakayik".

This article briefly examines the concept of "Perfect Man" in the system of philosophical and philosophical views of Mavlyana Abdurahman Jami (1414-1492).

Keywords: *Perfect Man (Perfect Man), man, Sufism, Irfan, Jami, Ibn al-Arabi, Aziziddin Nasafi, philosophical and mystical, creation.*

Ибн ал-Арабий Комил Инсонни гоҳида «ал-Инсон ал-ҳақиқи»,⁹⁰ гоҳида «Ал-Инсон ал-арфаъ»⁹¹ ва «Ал-Инсон ал-аввал»⁹² деб атайди, уни Ҳақнинг Ердаги халифаси, кўкда фаришталарнинг муаллими, энг гўзал шаклу шамойилда яратилган хилқат,⁹³ энг комил, мушоҳада билан Ҳаққа ибодат этгувчи ягона мавжудот,⁹⁴ Ҳақнинг комил тимсоли, барча илоҳий сифатларни мужассамлаштирган ойна,⁹⁵ мартабаси Халқ мартабасидан юксакроқ, Ҳақ ва халқ (оламда яратилган барча мавжудот) ўртасидаги восита деб билади.

⁹⁰ Қаранг: Мухйиддин ибн ал-Арабий. Футуҳот ул-Мақкия. -С. 300.


⁹¹ Қаранг: Мухйиддин ибн ал-Арабий. Иншо уд-давойир. -Лайдан. 1331. -С. 4.

⁹² Қаранг: Мухйиддин ибн ал-Арабий. Ақлат ал-муставфиз. -Лайдан. 1331. -С. 94.

⁹³ Қаранг: Мухйиддин ибн ал-Арабий. Футуҳот ул-Мақкия. 1-жилд. -С. 260.

⁹⁴ Ўша манба, 2-жилд. -Б.441.

⁹⁵ Қаранг: Абдурраззоқ Кошоний. Шарҳи Фусус. -С. 11.





Дарҳақиқат, Комил Инсон инсонларнинг энг афзали, ботиний ва зоҳирий фазилатлари билан замон ва макон чегарасидан юксакроқ, олийроқ зотдир. Маърифат аҳли томонидан яқдиллик билан эътироф этилган бу Комил Инсон Муҳаммад (с.а.в.), яъни «Ҳақиқати Муҳаммадия»дир. Комил Инсон масаласи Ибн ал-Арабийдан сўнг Эрон ва Марказий Осиё мутафаккирларининг диққат марказида бўлди. Шайх Омилий, Абдукарим Гелоний ва Азизиддин Насафийнинг Комил Инсон ҳақидаги қарашлари шубҳасиз, Ибн ал-Арабий таълимотидан сарчашма олади. Аммо ушбу мутафаккирларнинг Комил Инсон борсидаги қарашлари икки хил талқинга эга: 1. Комил Инсон – Кайҳоний вужуд (Ибн ал-Арабий, Шайх Омилий, Абдулкарим Гелоний); 2. Комил Инсон – ҳам кайҳоний ва воқеий (ҳаётӣ) вужуд (Азизиддин Насафӣ).⁹⁶

Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг инсоншунослик қарашлари тизимида эса Комил Инсон ҳақидаги ҳар иккала талқинни ҳам кузатиш мумкин. Яъни, Жомийнинг фалсафий-ирфоний асарларида Комил Инсон Кайҳоний бир вужуд, адабий-ирфоний (достонлари ва ғазалларида) асарларида эса ҳам кайҳоний ва ҳам инсоний (ёки ҳаётӣ) вужуд сифатида мужассамланади.

Жомий ўзининг “Шарҳи рубоӣёт фи исботи ваҳдати вужуд” номли асарининг «*Ҳазароти хамс*» тушунчасига берган шарҳида бешинчи ҳазратни «*Комил Инсон мартабаси*» деб атайди.

Мавлоно Жомий Комил Инсон сифатларини санаб ўтиш ё унинг таърифу тавсифини келтиришни лозим топмайди, балки Илоҳий борлиқнинг Комил Инсон вужудида тажаллий этишини эслатиб ўтади, холос:

*Ҳастӣ ба маротӣб чу таназзул фармуд,
Ҳар жой зи рух шаъни дигар парда гушуд.
Дар мартабаи бозпасин к-инсон буд,
Ҳар як зи шуъун ба васф мажмуъ намуд.*⁹⁷

Мазмуни: Илоҳий борлиқ бир босқичдан иккинчи босқичга нузул этар экан, сайр жараёнида номаълум ва очилмаган нарсаларни ҳам маълум ва кашф этиб бораверади. Охирги босқич – Инсон мартабасига етгач, олдинги босқичлардаги барча нарсаларнинг сифати жамулжам бўлади.

Яралиш йўқлик оламини борлиқ оламига айлантиришдир. Бу жараён Ҳақ субҳона нурининг аъёни собита – моҳиятлар, хусусиятлар ва белгиларга босқичма-босқич тажаллий этиши билан амалга ошган. Аммо бирон-бир босқич, бирон бир ашё Ҳақ вужудини мукамал тарзда ўзида акс эттиролмайдӣ. Фақат сўнгги босқич – Комил Инсон ҳақиқати бунга қодир. Зеро, Комил Инсон мақоми шундай бир мақомки, яралиш жараёнида босқичма-босқич вужудга келган барча мавжудотнинг сифатлари, қобилиятлари, хусусиятлари ва белгилари унда мужассам. У борлиқдаги барча мавжудотнинг энг мукамал ҳолати, улардаги барча хусусиятлар ва сифатларни ўзида акс эттирган кўзгудир. Ҳақ субҳонанинг

⁹⁶ Қаранг: Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки Комил Инсон ахлоқи. 1-китоб. –Т.: "Ёзувчи", 1996. –Б143-153.

⁹⁷ ЎзФА ШИ Қўлёзмалар хазинаси, РН 1331 рақамли қўлёзма. -В.606 б.





воҳидияти фақат Комил Инсон кўзгусидагина мукамал тарзда акс этиши мумкин. У шундай бир кўзгуки, Ҳақ субҳона ва таъоло оламдаги барча сифатларни унинг жилоларида кўради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ибн ал-Арабий ўз таълимотида воқеий (реал) ва ҳаётий Инсон, унинг шахсий фазилат ва қобилиятлари хусусида эмас, балки Кайҳоний вужуд касб этган Инсон хусусида фикр юритади. У, жумладан, «Ҳақиқат ул-ҳақойиқ» номли асарида яралиш оламида Инсон вужудини асл, бошқа мавжудотлар вужудини эса фаръ, деб атаб, бунини қуйидагича изоҳлайди: «Зеро оламнинг Инсон учун яратганлар ва Инсон (яралиши) асл мақсаддир».⁹⁸

Аҳадият мартабасида ҳар бир сифат ва хусусият барча сифатлар ва хусусиятларни ўзида мужассамлаштиргани каби Комил Инсон мақомида ҳам ҳар бир сифат ва хусусият комиллик касб этади. Ва ниҳоят, Ҳақ субҳонанинг тажаллийси бу сифат ва хусусиятларни янада комилроқ, ёрқинроқ ва гўзалроқ ҳолатга келтиради.

ХУЛОСА

Мавлоно Жомий “Шарҳи рубоиёт” асарида шундай бир мисол келтиради: Инсон зотининг ҳақиқати китобат, шеър, илм ва фазл каби бир қанча санъатлар ва қобилиятларга эга. Аммо бу санъат ва маҳоратлар ҳар кимга ҳар хил берилган. Масалан, Зайд шоирлик, Умар хаттотлик, Бакр олимлик, Холид фозиллик қобилиятига эга. Бундай ҳолда шоирни хаттот, олимни фозил ё хаттотни шоир деб бўлмайди. Аммо агар бу қобилиятларнинг бир нечтаси бир кишида мужассам бўлса, унда котибни шоир, олим ва фозил, шоирни эса котиб, олим ва фозил деб аташ мумкин. Умуман, Инсон зотини (башарият) олганда бу қобилиятларнинг барчаси унда мавжуд. Демак, агар Инсон зотининг ҳақиқатини илоҳий аҳадият ўрнида ҳисобласак, хаттотлик ва шоирликка ўхшаган санъатларни илоҳий сифатларга ўхшатиш мумкин. Зайд, Бакр, Умар ва Холид эса бу илоҳий сифатларни ўзида мужассамлаштирган оламга ўхшайдилар.⁹⁹

Демак, Жомий наздида «Инсон» тушунчаси икки маънога эга:

Биринчиси, яратилган мавжудотлар ичида энг мукамал мавжудот.

Иккинчиси, инсоният ичида энг Комил Инсон. Инсон ҳақиқати (жавҳари, моҳияти, субстанцияси) эса Ҳақ ва Халқ тажаллийгоҳидир.

⁹⁸ Шайх Акбар Муҳйиддин ибн Арабий. Ҳақиқат ул-ҳақойиқ. –Техрон: Мавло, 1382. –С. 11.

⁹⁹ ЎзФА ШИ Қўлёзмалар хазинаси, PN 1331 рақамли қўлёзма. -В.607 а.

